

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:

**“ТАСДИҚЛАИМАН”**

№ \_\_\_\_\_  
201\_й.” \_\_\_\_\_

ТИМИ Ўқув ишлари бўйича 1-проректори  
\_\_\_\_\_ Б. Мирзаев  
“ \_\_\_\_\_ ” 2015 йил

**БИОТЕХНОЛОГИЯ АСОСЛАРИ**

**ФАНИНИНГ**

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 600 000 – Хизматлар соҳаси

Таълим соҳаси: 630 000 – Атроф мухит муҳофазаси

Таълим йўналиши: 5630100 – Экология ва атроф мухит муҳофазаси (сув хўжалигига)

**Тошкент – 2015**

Фаннинг ишчи ўқув дастури ўқув, ишчи ўқув режа ва ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

**Тузувчи:**

Буриев С – “Тупроқшунослик ва дехқончилик асослари” кафедраси мудири, к.х.ф.н.

**Тақризчилар:**

Исмоилхўжаев Б. - ТИМИ Экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедраси профессори, биологи фанлари доктори.

Сагдуллаев Б. – ЎзР ФА Биоорганик кимё институти илмий ва инновация ишлар бўйича директор ўринбосари, техника фанлари доктори.

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Тупроқшунослик ва дехқончилик асослари” кафедрасининг 2015 йил “2” \_\_июлдаги “14” - сон йигилишида муҳокамадан ўтган ва факультет кенгашида муҳокама қилиш учун тавсия этилган.

**Кафедра мудири:** \_\_\_\_\_

**Буриев С**

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Гидромелиорация ” факультет кенгашида муҳокама этилган ва фойдаланишга тавсия қилинган (2015 йил 4 июлдаги 11 -сонли баённома).

**Факультет кенгаш раиси** \_\_\_\_\_ **Матякубов Б.**

**Келишилди: Ўқув методика бўлими бошлиғи** \_\_\_\_\_ **Абдураупов Р.**

## **Кириш**

Олий таълимнинг Давлат таълим стандартига кўра “Атроф муҳит муҳофазаси” таълим соҳасида ўқитиладиган “Биотехнология асослари” фани дастури микроорганизмлар, ўсимлик ва ҳайвон ҳужайраларини ажратиб олиш, ген ва ҳужайра муҳандислиги, касалланишга чидамли трансген ўсимлик ва зотли ҳайвонларни етиштириш, сув ҳавзаларини ва оқова сувларни биотехнологик тозалаш усуслари, саноат ва турмуш чиқиндиларини қайта ишлашнинг биологик усуслари, биоёқилғилар технологияси, тупроқ унумдорлигини оширишда биологик препаратларни, биопестицидларни олиниш технологияси каби асосий йўналишларни белгилаб беради.

## **Фаннинг мақсад ва вазифалари**

Фаннинг мақсади – бакалаврларга атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги масалаларни ечишда қўланадиган биотехнологик усусларнинг амалий ва назарий томонлари ахамиятини систематик равишда очиб беришдан иборат.

Фаннинг вазифаси – бакалаврларга биотехнология усусларини моҳиятини ўргатиш, табиий хом ашёлар асосида биологик фаол биримларни олиш, экологик соғ технологияларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қўллаш ва улардан инсон турмушини яхшилашдаги ўрнини ўргатишдан иборатdir.

## **Фан бўйича талабанинг билим, кўникма ва малакаларига кўйиладиган талаблар**

Биотехнология асослари фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- замонавий биотехнологиянинг ривожланиш йўналишлари ва ютуқлари;
- атроф муҳит муҳофазаси мақсадларида биотехнологик изланишларнинг асосий йўналишлари;
- ген ва ҳужайра муҳандисияси ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- биотехнологиянинг молекуляр йўналишларини;
- ўсимлик ген муҳандисияси ва трансген ўсимликларни;
- ўсимликлар ҳужайра муҳандисияси ютуқларини;
- қишлоқ хўжалик хом ашёларини биотехнология асосида қайта ишлаш усусларини;
- фермент ва оқсил муҳандисияси усусларини;
- органик моддалар айланишини биотехнологик усуслар билан таъминлаш, биогаз ва чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологияларни;
- Ўзбекистондаги биотехнология муаммоларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- чиқиндисиз ишлаб чиқариш технологиялар имкониятлари;
- биосезгичлар ва биосенсорлардан турли масалаларни ечишда фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

## **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услугий жиҳатдан узвийлиги**

«Биотехнология асослари» фани 2- ва 3-босқичда ўқитилади. Дастурни амалга оширишда ўқув режасида режалаштирилган биология ва микробиология ва умумкасбий фанларидан етарли билим ва кўникмаларига эга бўлишлари талаб этилади. Фанни ўрганишда “Академик лицей ва касб-хунар коллеж” лар биология, кимё, микробиология курсларида олинган назарий ва амалий билимлар зарур булса, ўз навбатида бу фандан олинган билимлар “Молекуляр биология”, “Генетика”, “Ген мухандислиги”, ва “Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси” каби биотехнология фани тармоқлаларининг умумий назариясини чуқур ўзлаштиришда кўприк вазифасини ўтайди.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан қишлоқ хўжалиги, халқ истеъмоли ва тиббиет маҳсулотлари етиштириш ҳисобланади. Унинг барқарор ривожланиши, мавжуд ер-сув ва бошқа табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни тақозо этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, уларнинг хоссаларини ўрганиш ва бошқариш, етиштирилаётган экинларнинг биологик хусусиятларини, яшаш шароитларига бўлган талабини мақбўл даражада таъминловчи биотехнологик тадбирларни систематик равишда амалиётда қўллаш.

### **Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маъruzалар ўқиши, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мулътимедиа воситаларидан фойдаланиш, тингловчиларни ундиҳиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш.

“Биотехнология асослари” фани қуидаги асосий концептуал ёндошувлардан фойдаланилади:

**Шахсга йўналтирилган таълим.** Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда ёндошилишни назарда тутади.

**Тизимли ёндошув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

**Фаолиятга йўналтирилган ёндошув.** Шахснинг жараёни сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

**Диалогик ёндошув.** Бу ёндошув ўқув муносабатларини яратиш заруритини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

**Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.** Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим оловчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

**Муаммоли таълим.** Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим оловчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

**Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш - янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.**

**Ўқитишининг усул лари ва техникаси.** Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади, лойиҳалаш усуллари, амалий ишлар.

**Ўқитиши ташкил этиш шакллари:** диалог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, колектив ва гурӯҳ.

**Ўқитиши воситалари:** ўқитишининг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технологиялари.

**Коммуникация усуллари:** тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

**Тескари алоқа усуллари ва воситалари:** кузатиш, блиц-сўров, оралиқ ва жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиши диагностикаси.

**Бошқариш усуллари ва воситалари:** ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

**Мониторинг ва баҳолаш:** ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишининг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириклари ёки ёзма иш вариантлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади. “Биотехнология” фанини ўқитиши жараёнида компьютер технологиясидан, фойдаланилади. Айрим мавзулар бўйича талабалар билимини баҳолаш тест асосида ва компьютер ёрдамида бажарилади. “Интернет” тармоғидаги расмий иқтисодий кўрсаткичларидан фойдаланилади, тарқатма материаллар тайёрланади, тест тизими ҳамда таянч сўз ва иборалар асосида оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилади.

**“Биотехнология асослари” фанидан машғулотларнинг мавзулар ва соатлар бўйича тақсимланиши:**

	Мавзулар номи	Жами	Маър уза	Амалий машғулотлар	Мустақил таълим
1	<b>Биотехнология фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.</b> Биотехнология фанининг асосий йўналиши ва вазифаси, фан сифатида бошқа фанлар билан боғлиқлиги.	4	2	2	
2	<b>Молекуляр биология</b> ген мухандислигининг пойдевори. Молекуляр биологиянинг ривожланиш тарихи.	10	2	2	6
3	<b>Нуклеин кислоталар, уларнинг структуравий ва функционал хоссалари.</b> ДНК ва РНК, уларнинг хоссалари, хусусиятлари. Молекуляр генетика, ирсий қонуниятлар ва унда биология ютуқларидан фойдаланиш.	4	2	2	
4	<b>Ген мухандислиги.</b> Ген мухандислигига генларнинг хусусиятлари, ирсий қонуниятлар, мухандисликда кенг кўламда қўлланиладиган плазмида ва фаг векторлар тўғрисида тушунчалар. Генларни кўчиришда транспозаларнинг роли. Трансформация ва трансдукция ходисалари.	10	2	2	6
5	<b>Рекомбинант ДНК олиш.</b> ДНК бўлакларини клонлаш технологияси. Вектор молекулалар олишнинг полилинкер, адаптор конектор усуллари ҳақида тушунчалар. Йндивидуал генлар ва генлар грухини реципент хужайрага ўтказиш услублари. Рекомбинант клонларни ажратиб олиш технологиялари.	10	2	2	6
6	<b>Ўсимликшуносликда ген мухандислиги.</b> Ўсимликлар ген мухандислигига вектор молекулаларини танлаш муоммолари, ўсимлик хужайраларига генларни ўтказиш усуллари ҳақида тушунчалар. Трансформант хужайралардан регенерант ўсимликлар олиш муоммоси.	10	2	2	6
7	<b>Хужайра мухандислиги.</b> Хужайра мухандислигининг моҳияти ва вазифалари ҳақида тушунчалар. Орган, тўқима, хужайраларни <i>in vitro</i> ўстириш ва олинган клонларни хужайра мухандислигига қўлланиши.	10	2	2	6
8	<b>Каллус тўқималар ва уларнинг хусусиятлари.</b> Каллус тўқималар хосил бўлиши. Хужайра супензияси ва алоҳида ҳужайралар культураси, протопласт олиш усуллари.	10	2	2	6
9.	<b>Ўсимликларни согломлаштириш ва клонал қўпайтириш.</b> Вирусдан ҳоли экиш материалларини олиш. Клонал микрокўпайтиришнинг турли босқичларида ўсимликтарни ўстириш техникаси. Ажратилган хужайра ва тўқималар культурасининг ўсимликлар селекциясидаги аҳамияти. Ўсимликларда хужайра селекцияси. Саматик хужайраларни дурагайлаш.	10	2	2	6

10	<b>Фитогормонлар</b> , ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш регуляторлари биотехнологияси. Ўсимликларни гормонал тизими. Фитогормонлар ва фиторегуляторлар олишнинг биотехнологик усуллари. Ўсишли бошқарувчи моддалардан фойдаланишининг экологик ва генетик хавфсизлиги.	8	2	2	
11	<b>Тупроқ унумдорлигини оширишда биотехнология</b> . Тупроқ биотехнологияси ва унинг вазифалари. Тупроқ унумдорлигини оширишда бактериал ўғитлардан фойдаланиш. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган микробли ўғитлар	8	2	2	6
12	<b>Ўсимликларни зааркунанда ва ҳашоратлардан химоя қилишда биотехнология</b> . Микробли энтопотоген препаратларнинг аҳамияти, хусусиятлари. Бактерияли, замбурғули ва вирусли препаратлар. Микробли энтопотоген-ларни клонал кўпайтириш ва қўллаш.	8	2	2	6
13	<b>Чорвачиликда биотехнология</b> . Эмбрионал трансплантация. Тухум хўжайраларни ҳайвон организмидан ташқарида уруғлантириш. Сут эмизувчилар Ҳужайрасига генларни киритиш.	4	2	2	
14	<b>Ҳайвонларда ген мухандислиги</b> . Микроинъекция учун ДНК эритмаси тайёрлаш. Эмбрион олиш учун донор танлаш. Эмбрионларни кўчириш. Трансген организмларда генлар интеграцияси ва экспрессиясини ўрганиш. Трансгенларни наслдан наслга берилиши. Тез ривожланувчи ҳайвон этиштириш..	4	2	2	
15	<b>Тиббиётда биотехнология</b> . Организмни иммунитетини оширишда биотехнология усуллари. Микрохирургияда ген мухандислиги ва хужайра мухандислигини кўлланиши. Юқумли касалликларга қарши антивирус вакциналардан фойдаланиши.	4	2	2	5
16	<b>Саноатда биотехнология</b> . Озиқ – овқат корхоналарида ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда микроб организмлардан фойдаланиш. Альтернатив биологик ёқилғилар ишлаб чиқариш. Металларни каррозияга чидамлилигини ошириш.	4	2	2	
17	<b>Биотехнологиянинг экологик аҳамияти</b> . Камайиб кетаётган организм-ларни сақлаб колишида ва кўпайтиришда клонлаш усулини қўллаш. Табиий ва оқова сувларини тозалашда биотехнологиянинг тадбиқ этилиши.	8	2	2	4
18	<b>Биотехнологияда меҳнатни муҳофаза килиш</b> . Биомахсулотлар ишлаб чиқаришда ва биотехнологик жараёнларда меҳнатни муҳофаза килиш ва санитария холатлари инструкция жараёнлари ўрганилади.	8	2	2	4
	<b>Жами:</b>	<b>139</b>	<b>36</b>	<b>36</b>	<b>67</b>

## **Асосий қисм:**

### **Маъруза машғулотлари**

**Биотехнология фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.** Биотехнология фанининг асосий йўналиши ва вазифаси, фан сифатида бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Ҳалқ хўжалигининг барча соҳасида замонавий биотехнология ютуқларини қўлланиши.

*Кўлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; Қ6.

**Молекуляр биология.** Молекуляр биология ген мухандислигининг пойдевори. Молекуляр биологиянинг ривожланиш тарихи. Нуклеин кислоталар, уларнинг структуравий ва функционал хоссалари. ДНК ва РНК, уларнинг хоссалари, хусусиятлари. Молекуляр генетика, ирсий қонуниятлар ва унда биология ютуқларидан фойдаланиш.

*Кўлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; Қ5.

**Ген мухандислиги.** Ген мухандислигига – генларнинг хусусиятлари, ирсий қонуниятлар, мухандисликда кенг кўламда қўлланиладиган плазмида ва фаг векторлар тўғрисида тушунчалар. Генларни кўчиришда транспозаларнинг роли. Трансформация ва трансдукция ходисалари.

*Кўлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; Қ1; Қ2; Қ3; Қ4; Қ5.

**Рекомбинант ДНК олиш.** ДНК бўлакларини клонлаш технологияси. Вектор молекулалар олишнинг полилинкер, адаптор конектор усуллари ҳақида тушунчалар берилади. Индивидуал генлар ва генлар гурӯхини реципент ҳужайра ўтказиш услублари. Рекомбинант клонларни ажратиб олиш технологиялари.

*Кўлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Мунозара, ўз-ўзини назорат*

Адабиётлар: А1; Қ1; Қ2; Қ3; Қ4; Қ5..

**Ўсимликшунослиқда ген мухандислиги.** Ўсимликлар ген мухандислигига вектор молекулаларини танлаш муоммолари, ўсимлик ҳужайраларига генларни ўтказиш усуллари ҳақида тушунчалар. Трансформант ҳужайралардан регенерант ўсимликлар олиш муаммоси.

*Кўлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; Қ1; Қ2; Қ6.

**Хужайра мухандислиги.** Хужайра мухандислигининг моҳияти ва

вазифалари ҳақида тушунчалар. Орган, тўқима, хужайраларни *in vitro* ўстириш ва олинган клонларни хужайра мухандислигига қўлланиши.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари:** *диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; К1; К2; К3; К4; К5.

**Ўсимликларни соғломлаштириш ва клонал кўпайтириш.** Вирусдан ҳоли экиш материалларини олиш. Клонал микрокўпайтиришнинг турли босқичларида ўсимлик тўқималарини ўстириш техникаси. Ажратилган хужайра ва тўқималар культурасининг ўсимликлар селекциясидаги аҳамияти. Ўсимликларда хужайра селекцияси. Соматик хужайраларни дурагайлаш.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари:** *диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Мунозара, ўз-ўзини назорат.*

Адабиётлар: А1; А2; К1; К2; К3; К4; К5.

**Фитогормонлар, ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш регуляторлари биотехнологияси.** Ўсимликларни гормонал тизими. Фитогормонлар ва фиторегуляторлар олишнинг биотехнологик усуллари. Ўсишни бошқарувчи моддалардан фойдаланишнинг экологик ва генетик хавфсизлиги.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари:** *диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Мунозара, ўз-ўзини назорат*

Адабиётлар: А1; А2; К1; К2; К3; К4; К5; К6.

**Тупроқ унумдорлигини оширишда биотехнология.** Тупроқ биотехнологияси ва унинг вазифалари. Тупроқ унумдорлигини оширишда бактериал ўғитлардан фойдаланиш. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган микробли ўғитлар.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари:** *диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Мунозара, ўз-ўзини назорат*

Адабиётлар: А2; К5; К6.

**Ўсимликларни зааркунанда ва ҳашоратлардан ҳимоя қилишда биотехнология.** Микробли энтопотоген препаратларнинг аҳамияти, хусусиятлари. Бактерияли, замбургули ва вирусли препаратлар. Микробли энтопотоген-ларни клонал кўпайтириш ва қўллаш.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари:** *диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Мунозара, ўз-ўзини назорат*

Адабиётлар: А2; К5; К6.

**Чорвачиликда биотехнология.** Эмбрионал трансплантация. Тухум хўжайраларни ҳайвон организмидан ташқарида уруғлантириш. Сут эмизувчилар хужайрасига генларни киритиш.

**Ҳайвонларда ген мухандислиги.** Микроинъекция учун ДНК эритмаси тайёрлаш. Эмбрион олиш учун донор танлаш. Эмбрионларни кўчириш. Трансген организмларда генлар интеграцияси ва экспрессиясини ўрганиш. Трансгенларни наслдан наслга берилиши. Тез ривожланувчи ҳайвон олиш.

**Күлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Мунозара, ўз-ўзини назорат..**

Адабиётлар: А1; А2; К1; К2; К3; К4; К5; К6.

**Медицинада биотехнология.** Организмни иммунитетини оширишда биотехнология усуллари. Микрохирургияда ген мухандислиги ва ҳужайра мухандислигини қўлланиши. Юқумли касалликларга қарши антивирус ва вакциналардан фойдаланиш.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Мунозара, ўз-ўзини назорат.**

Адабиётлар: А1; А2; К5; К6.

**Саноатда биотехнология.** Озиқ - овқат корхоналарида ва Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда микроб организмлардан фойдаланиш. Альтернатив биологик ёқилғилар ишлаб чиқариш. Металларни каррозияга чидамлилигини ошириш.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Мунозара, ўз-ўзини назорат.**

Адабиётлар: А1; А2; К5; К6.

**Биотехнологиянинг экологик аҳамияти.** Камайиб кетаётган организмларни сақлаб колишда ва кўпайтиришда клонлаш усулини қўллаш. Табиий ва оқова сувларини тозалашда биотехнологиянинг тадбиқ этилиши.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим. Мунозара, ўз-ўзини назорат..**

Адабиётлар: А1; А2; К3; К5; К6.

### **“Биотехнология асослари” фани бўйича маъруза машғулотининг календар тематик режаси**

т/р	Маъруза мавзулари (барча)	соат
1	Биотехнология фанининг предмети, мақсади ва вазифалари	2
2.	Молекуляр биология.	2
3	Молекула ҳақида тушунча	2
4	Ген мухандислиги	2
5	Рекомбинант ДНК олиш	2
6	Ўсимликшунослиқда ген мухандислиги	2
7	Хужайра мухандислиги	2
8	Каллус тўқималар ва уларнинг хусусиятлари	2
9	Ўсимликларни соғломлаштириш ва клонал кўпайтириш	2
10	Фитогормонлар, ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш регуляторлари биотехнологияси	2
11	Тупроқ унумдорлигини оширишда биотехнология	2
12	Ўсимликларни зараркунанда ва ҳашоратлардан химоя қилишда биотехнология	2
13	Чорвачиликда биотехнология	2

14	Хайвонларда ген мухандислиги	2
15	Медицинада биотехнология	2
16	Саноатда биотехнология	2
17	Биотехнологиянинг экологик аҳамияти	2
18	Биотехнологияда меҳнатни муҳофаза килиш	2
	<b>Жами</b>	<b>36</b>

### Амалий машғулотларнинг тавсия этиладиган мавзулари

**Биотехнологияда қўлланилиши мумкин бўлган озуқалар технологияси.**

Биотехнологияда озуқалар тайёрлаш ва олиш технологиясида озуқа муҳитлари компонентларининг физик-кимёвий хоссаларига қараб улар сувда белгиланган ҳарорат ва pH да маълум нисбатларда эритилади ёки суспензияланади.

*Кўлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: A1; A2; K5; K6.

**Ажратилган ўсимлик хужайра ва тўқималари билан ишлаш жараёнида стериллаш усулари.** Стериллаш ультрабинафша ва рентген нурлари, ионлаштирувчи нурланиш, ультратовуш, термик ишлов бериш ва кимёвий бирикмаларорқали амалга оширилади. Термолабил препаратларни стериллаш учун совук стерилизация қўлланилади.

*Кўлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: A1; A2; K1; K2; K5.

**Стерил ўсимталар ўстириш.** Стерил ўсимталар ўстириш технологияси ўсимлик меристемаларни ривожланишини озуқа муҳитига цитокинин таъсирига эга бўлган моддалар қўшиб жадаллаштириш орқали апикал устиворликни олиб ташлашга асосланади.

*Кўлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: A1; A2; K1; K2; K5.

**Организмларда опикал меристемаларни ажратиш ва ўстириш.** Тўқималар культурасидан ўсимликларни кўпайтириш ва соғломлаштирилган (вируссиз) экув материалини олиш мақсадида новданинг апексига, бошقا органларга нисбатан, вируслар секинрок ўтганлиги сабабли ўсимликларни соғломлаштириш учун апикал меристема культурасидан фойдаланилади.

*Кўлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: A1; A2; K1; K2; K5.

**Дуккакли ўсимликларнинг ҳаводаги азотни ўзлаштириш технологияси.** Ўсимликларнинг азотни ўзлаштириши ва илдиз қисмида туганаклар ҳосил қилиши. Молекуляр азотни ютиш нитрогеназа ферменти синтез қила оладиган микроорганизмлар иштирокида олиб борилади. Тупроқдаги туганак бактериялар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ҳар бир дуккакли экин ўзига хос бактериясига эга.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари:** *диалогик ёндошув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: А1; А2; К6.

**Бир хужайрали ўсимликларнинг ўсиб кўпайиш технологияси (бир хужайрали яшил сувўтлари, замбуруғлар, бактериялар) - лаборатория шароитида ўстириб кўпайтириш технологияси.** Бир хужайрали микроорганизмлар лаборатория шароитида турли хажмдаги – 250, 500 мл шиша идишларда зарур бўлган даражадаги ҳароратда ( $25 - 30; 35^{\circ}\text{C}$ ) ва ёруғлик кучида ушлаб турувчи жадал кўпаядиган стационар қурилмаларда минерал озуқа мухитларида ўстирилади.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари:** *диалогик ёндошув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: А1; А2; К1; К2; К5.

**Бактерияларни қаттиқ ва суюқ ҳолатда тайёрлаш технологияси** – амалий ишида шу грух бактерияларини ферментёрларда суюқ ва лиофил кўрсатгичида кўриниб кукун ҳолида препаратлар тайёрлаш. Микроорганизмларни суюқ озуқа мухити ичидаги ўстириш вертикал ҳолатда жойлашган ферментларда олиб борилади. Вакуум-буғлантириш усулида фермент эритмалари қуюқлаштирилади ва кукун препарати олинади.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари:** *диалогик ёндошув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: А1; А2; К1; К2; К3.

**Ўсимликларда каллус тўқима олиш ва ўстириш.** Ўсимлик ҳужайрасини табақасизланиши ва уни каллусга айланиши учун шарт бўлган шароит - бу озуқа мухити таркибида икки хил фитогормонларни яъни ауксинлар ва цитокиниларни бўлишидир. Ауксинлар ҳужайраларни табақасизланишини (дедифференциациясини) таъминлайди ва уларни бўлинишга тайёрлайди; цитокинилар табақасизланган ҳужайраларни бўлинишига (пролиферция) олиб келади.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари:** *диалогик ёндошув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: А1; А2; К1; К2; К3.

**Каллус янги озиқа мухитида қайта экиш ва ўсиш хусусиятларини аниклаш.** Ўсимликларни «мослашган» ва шиш тўқималрини умумий хусусияти уларни гормонга эҳтиёжсизлигидир, бошқача айтганда ҳар иккала тўқима ҳам

гормон сақламаган мұхитда ўса оладилар. Бу хусусият уларнинг каллусли тұқымалардан фарқли томонидир. Каллусли тұқымларни табақалашмаганлыги ва пролеферациялаши учун озуқа мұхити таркибіда гормон сақлаши шарт.

Күлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндоушув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: А1; А2; К1; К2; К3.

**Хужайранинг яшаш қобилияти ва суспензиянинг агрегацияланиш даражасини баҳолаш.** Хужайра сони *Фукс–Розентал* ҳисоб камерасида микроскоп остида мацерандыдан кейин (хужайралар ажратилғандан кейин) аниқланади. Мацерация қилувчи модда сифатида хром кислотасини 10-20% ли эритмасидан фойдаланилади. Бу кислота, хужайраларни бириктириб турувчи ўртадаги пластинкани эритиб (гидролиз қилиб) юборади.

Күлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндоушув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: А1; А2; К1; К2; К3.

**Микробиологик концетрацияси ва биомасса ҳолида йиғишириш технологияси** – биологик воситаларни ферментёрларда ўстириб ва кўпайтириб биомасса ҳолида йиғишириб олиш. Биомассани суюқ мұхитдан ажратиш уч босқичдан иборат: флотация, фильтрация, центрафугалаш.

Күлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндоушув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: А1; А2; К1; К2; К3.

**Ўсимликларда хужайра организмларни ажратиш.** Ягона хужайра авлодини - клонни олиниши каллусли хужайраларни генетик бир хил эмаслиги сабабларини аниқлашга ёрдам беради, бунда гетероген эксплат олинган тұқымаларда эмас, балки алоҳида олинган хужайраларда тадқиқот олиб борилади.

Күлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндоушув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: А1; А2; К1; К2; К5; К6.

**Бактерия хужайрасидан сферопласт олиш.** Бактериялар  $\text{CaCl}_2$  сиз (ёки унинг микдорини бактерия турига қараб 0.09% г/л гача камайтирилған) пенициллинли суюқ маҳсус озуқа мұхитда,  $28^{\circ}\text{C}$  шароитда ўстирилади. Бактериялар суспензиянинг оптик зичлиги 450 нм тўлқин узунлигидаги кўрсатгичи 1.0 га teng бўлгунича ўстирилади. Етарли микдордаги бактериялар 15 мин давомида (4000 айл/мин.) центрифугалаш орқали чўқтирилади. Сўнгра чўкма сферопласт олиниш мұхитида суюлтирилади.

Күлланиладиган таълим технологиялари: *диалогик ёндоушув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: А1; А2; К4

**Рекомбинант ДНК ажратиб олиш ва уни бактерия хужайрасига трансформация килиш.** Турли хил ўлчамга эга бўлган ДНК молекуласи электрофорез услуби ёрдамида ажратиб олинади. Ажратиб олинган «ёпишқоқ» учли хромосома ДНКси бўлаги очик ҳолатдаги «ёпишқоқ» учли плазмид ДНКси билан аралаштирилиб лигаза ферменти ёрдамида тиқилади. Натижада плазмид таркибига хромосома ДНК бўлаги киритилади. Рекомбинант ДНК олишнинг учта усули мавжуд-коннектор усули, рестриктаза-лигаза ва линкер молекулаларидан фойдаланиш усули.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари:** *диалогик ёндошув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: A1; A2; K4; K4.

**Хужайралар ва тўқималарни сунъий озиқ муҳитларида ўстириш техникаси.** Биотехнологияда тирик хужайралар, хужайрадан ажратилган қисм, ферментлар ва уларнинг комплекслари иштирок этади. Биореакторларнинг муҳим қисми аралаштириш тизими бўлиб, аппаратда бир хилда шароит яратилади. Агарда биореакторда аралаштириш жуда ҳам тезлаштирилса биомуҳит ўсиши пасаяди, хужайралар нобут бўлади.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари:** *диалогик ёндошув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: A1; A2; K1; K2; K5; K6.

**Ўсимлик хужайраларидан протопластларни олиш усули.** Мутант, гибрид ёки трансформацияланган хужайраларни клонал селекциясида изолирланган хужайралар ва регенерацияланган протопластларни ўстириш методи орқали амалга оширилади. Ўсимлик протопластлари – мембрана билан чегараланган, ички хужайравий органеллалари таркиби сақланган структуравий тузилмадир.

**Кўлланиладиган таълим технологиялари:** *диалогик ёндошув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.*

Адабиётлар: A1; A2; K1; K2; K5; K6.

**Энтопатоген бактериялар ажратиб олиш ва улар асосида препаратлар тайёрлаш.** Бактериялардан энтомопатоген препаратлар олиш технологияси \_типик даврий гомоген аэроб суюқ культура усули бўлиб стерил шаротда бактерияларни максимал ўстириб, токсинларни тўплашга асосланган. Озуқа муҳитини асосини ачитқиполисахарид аралашмасидан ва кўпик бостирувчи агентдан (кашалот мойи) иборат. Ферментация даври 28-30°C да доимий аралаштирилиш ва аэрация (0.2 л O<sub>2</sub>/л муҳит·мин.) шароитида 35–40 соат давом этади. Бу даврда культурали муҳитда эркин спораларнинг ва кристалларнинг уларнинг умумий миқдоридан (1 млда 1 млрд споралар) 5–10 % тўпланади. Сўнгра споралар ва кристаллар сепарация ва қуритиш жаранида ажратиб олинади. *Маҳсулот формаси* – қуруқ кукун ҳамда стабиллаштирилган паста.

**Күлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.**

Адабиётлар: А1; А2; К1; К2; К5; К6

**Энтопотоген препаратларни ҳашоратларда синаш.** Юқори сезувчанликга эга бўлган ҳашоратларда эндотоксин аввалло ошқозон ичакларни «паралич» қиласди, кейинчалик умумий захарланиш кузатилиб қуртни нобут бўлишига олиб келади. А. Я. Лесов галлерия бактериясини, яъни V-сератинг таълуқли бетта-эндотоксинни, 8 отрядга таълуқли бўлган 88та ҳашарот турларида ўрганиб уларни сезгирлиги бўйича 4 гурухга ажратди: 1 гурух, тангақанотлилар бўлиб улар ўта юқори сезгир лаборатория тажрибаларида ҳаммаси нобуд бўлади. Булар куялар оиласига таълуқли бўлганлар, баргурдошлар, беленколар ва бошқалардир.

**Күлланиладиган таълим технологиялари: диалогик ёндошув, муаммоли таълим, шахсга йўналтирилган таълим.**

Адабиётлар: А1; А2; К5..

т.р.	Амалий машғулотлар мавзулари (барча)	соат
1.	Биотехнологияда қўлланилиши мумкин бўлган озуқалар технологияси тўғрисида маълумотлар - мавзуда биотехнологияда озуқалар тайёрлаш ва олиш технологияси.	2
2.	Ажратилган ўсимлик ҳужайра ва тўқималари билан ишлаш жараёнида стериллаш усулари.	2
3.	Стерил ўсимталар ўстириш	2
4.	Организмларда опикал меристемаларни ажратиш ва ўстириш	2
5.	Дуккакли ўсимликларнинг ҳаводаги азотни ўзлаштириш технологияси. Ўсимликларнинг азотни ўзлаштириши ва илдиз қисмида туганаклар ҳосил қилиши.	2
6.	Бир ҳужайрали ўсимликларнинг ўсиб кўпайиш технологияси (бир ҳужайрали яшил сувўтлари, замбуруғлар, бактериялар) - лаборатория шароитида ўстириб кўпайтириш технологияси.	2
7.	Бактерияларни қаттиқ ва суюқ ҳолатда тайёрлаш технологияси – амалий ишида шу гурух бактерияларини ферментёрларда суюқ ва лиофил кўрсатгичида кўриниб кукун ҳолида препаратлар тайёрлаш.	2
8.	Ўсимликларда каллус тўқима олиш ва ўстириш	2
9.	Каллус янги озиқа муҳитидаги қайта экиш ва ўсиш хусусиятларини аниқлаш	2
10.	Ҳужайранинг яшаш қобилияти ва суспензиянинг агрегацияланиш даражасини баҳолаш.	2
11.	Микробиологик концетрацияси ва биомасса ҳолида йиғишириш технологияси - биологик воситаларни ферментёрларда ўстириб ва кўпайтириб биомасса ҳолида йиғишириб олиш.	2
12.	Ўсимликларда ҳужайра организмларни ажратиш.	2

13.	Бактерия ҳужайрасидан сферопласт олиш.	2
14.	Рекомбинант ДНК ажратиб олиш ва уни бактерия ҳужайрасига трансформация килиш	2
15.	Ҳужайралар ва тўқималарни сунъий озиқ муҳитларида ўстириш техникаси	2
16.	Ўсимлик ҳужайраларидан протапластларни олиш усули.	2
17.	Энтопотоген бактериялар ажратиб олиш ва улар асосида препаратлар тайёрлаш.	2
18.	Энтопотоген препаратларни ҳашоратларда синаш.	2
	<b>Жами:</b>	<b>36</b>

### **Лаборатория машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория машғулотлари ўкув режада кўзда тутилмаган.

### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши ўкув режада режалаштирилмаган

### **Мустакил таълим ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.**

“Биотехнология асослари” фани буйича талабанинг мустакил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий кисми бўлиб, услубий ва ахборот ресурслари билан тўла таъминланган.

Талабалар аудитория машғулотларида профессор-ўқитувчиларнинг маъruzасини тинглайдилар, мисол ва масалалар ечадилар. Аудиториядан ташкарида талаба дарсларга тайёрланади, адабиётларни конспект килади, уй вазифа сифатида берилган топшириқларни бажаради. Бундан ташкари айrim мавзуларни кенгрок ўрганиш мақсадида қўшимча адабиётларни ўқиб рефератлар тайёрлайди ҳамда мавзу бўйича тестлар ечади. Мустакил таълим натижалари рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Уйга вазифаларни бажариш, қўшимча дарслик ва адабиётлардан янги билимларни мустакил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йўлларини аниклаш, интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўгарак доирасида ёки мустакил равишда илмий манбалардан фойдаланиб илмий макола ва маъruzалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсда олган билимларини чукурлаштиради, уларнинг мустакил фикрлаш ва ижодий кобилиятини ривожлантиради. Шунинг учун хам мустакил таълимсиз укув фаолияти самарали бўлиши мумкин эмас.

Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машғулот олиб борувчи ўқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзуни ўзлаштириш даражасини текшириш ва баҳолаш эса маъруза дарсларини олиб борувчи ўқитувчи томонидан ҳар дарсда амалга оширилади.

“Биотехнология асослари” фанидан мустакил иш мажмуаси фаннинг барча мавзуларини қамраб олган ва қуидаги 12 та катта мавзу кўринишида шакллантирилган.

## Талабалар мустақил таълимининг мазмуни ва ҳажми

№	Мустақил таълим мавзулари	Берилган топшириқлар	Бажар. муддат.	Ҳажми (соатда)
<b>V семестр</b>				
1	Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	1-хафта	6
2	Молекуляр генетика, ирсий қонуниятлар ва унда биология ютуқларидан фойдаланиш	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	2,3 - хафталар	6
3	Генларнинг хусусиятлари, ирсий қонуниятлар. Плазмида ва фаг векторлар тўғрисида тушунчалар.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	4,5 - хафталар	6
4	Ген мухандислигининг истиқболлари ва хусусиятлари.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	6,7 - хафталар	6
5	Ризобактериялар ва улардан дуккаклилар инокуляцияси учун фойдаланиш.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	8- ҳафталар	6
6	Хужайра мухандислиги - нинг моҳияти ва вазифалари.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	9- ҳафталар	6
7	Организмларни микроклонал кўпайтиришдаги ютуқ ва камчиликлар.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	10- хафталар	6
8	Тупроқ биотехнологияси ва унинг вазифалари.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	11 ҳафталар	6
9	Микробли энтопотоген препаратларнинг аҳамияти.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш	12,13- хафталар	6
10	Микрохирургияда ген мухандислиги ва хужайра мухандислигини ўлланиши.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш.	14,15- хафталар	5
11	Саноатда биотехнология ютуқларидан фойдаланиш.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш.	16,17- хафталар	4
12	Атроф мұхит ва биотехнология.	Адабиётлардан конспект қилиш. Индивидуал топшириқларни бажариш.	18- ҳафталар	4
<b>Жами:</b>				<b>67</b>

## **Дастурнинг информацион услугий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши назарда тутилган.

- биотехнологияда молекуляр биология, ген муҳандислиги назарияси асослари бўлимига тегишли маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологияларидан;
- рекомбинант ДНК, РНК, вектор молекулалар, плазмидалар, турли биотехнологик жараёнлари тизимини ўрганиш бўйича ўтказиладиган амалий машғулотларда ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш педагогик технологияларидан;
- ҳужайралар биомассасини олиниши ва уларнинг асосий параметрларини: зичлиги, агрегацияланиш даражасини аниқлаш мавзуларида ўтказиладиган тажриба машғулотларида кичик гурухлар мусобақалари, гурухли фикрлаш педагогик технологияларини қўллаш назарда тутилади.

### **“Биотехнология” фанидан талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш мезони**

“Биотехнология” фани бўйича рейтинг жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларининг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Фан бўйича талабаларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

**Жорий назорат (ЖН)** – талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўнишка дарражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда амалий машғулотларда оғзаки сўров, тест ўтказиш, сухбат, назорат иши, коллеквиум, уй вазифаларини текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин;

**Оралиқ назорат (ОН)** – семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фанларнинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг назарий билим ва амалий кўнишка дарражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назорат бир семестрда икки марта ўтказилади ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади;

**Яқуний назорат (ЯН)** – семестр яқунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўнишкаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Яқуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ёзма иш” шаклида ўтказилади.

**ОН** ўтказиш жараёни кафедра мудири томонидан тузилган комиссия иштирокида мунтазам равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, **ОН** натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда **ОН** қайта ўтказилади.

Олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигига тузилган комиссия иштирокида **ЯН** ни ўтказиш жараёни мунтазам равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, **ЯН** натижалари бекор қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда **ЯН** қайта ўтказилади.

Талабанинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Мазкур фан учун ҳар даврда белгиланган 100 баллни қуидагича тақсимлаш тасдиқланган.

1-жадвал

т/р	Фаннинг номи	Макс балл	Мин балл	Назорат турлари бўйича		
				ЖН	ОН	ЯН
1	Биотехнология	100	55	36	34	30

Ҳар назорат турлари бўйича баҳоларни белгилаш Низом асосида амалга оширилиб,

2-жадвалда кўрсатилгандек тақсимот қилинсин.

2-жадвал

т/р	Фаннинг номи	семе стр	Макс. балл	Баҳо ва баллар			
				Қони- қарсиз	Қони- қарли	Яхши	Аъло
1	Биотехнология	1	100	0-54	55-70	71-85	86-100

Балл	Баҳо	Талабалнинг билим даражаси
86-100	Аъло	Хулоса ва қарор қабул қилиш. Ижодий фикрлаш олиш. Мустақил мушохада юрита олиш. Олган билимларни амалда қуллай олиш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тассавурга эга бўлиш.
71-85	Яхши	Мустақил мушохада қилиш. Олган билимларни амалда қуллай олиш. Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тассавурга эга бўлиш.
55-70	Қониқарли	Моҳиятини тушунтириш. Билиш, айтиб бериш. Тассавурга эга бўлиш.
0-54	қониқарсиз	Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик. Билмаслик

Жорий назоратлардан жами 22 балдан паст, Оралиқ назоратлардан жами 17 балдан

паст балл тўплаган талаба «қониқарсиз» баҳо олган деб ҳисоблансин. Шу билан бирга Жорий назоратлардан жами 22 ва ундан юқори, Оралиқ назоратлардан жами 17 баллдан юқори балл тўплаган талаба якуний назоратга киритилади. Талабани жами баллари ЖН, ОН, ЯНлардан тўплаган баллари йиғиндиси ҳисобланиб талаба 55 баллдан ва ундан юқори балл тўпласа у фанни ўзлаштирган 55 баллдан паст балл тўпласа фанни ўзлаштирган яъни талаба “қониқарсиз” баҳо олган деб ҳисоблансин.

ЖН, ОН ва ЯН ларнинг сони ва ўтказиш муддатлари ўқув жараёни графиги бўйича ва ҳар бир назорат учун баллар ТИМИнинг 2011 йил 27 июнь 261-а/ф сонли буйруғидагидек этиб тасдиқлансан.

Фан бўйича ЖН ларни ўтказиш лаборатория ва амалий ишларни ўтказувчи ўқитувчи зиммасига, ОН ва ЯН ларни ўтказиш маъruzachi ўқитувчи зиммасига юклатилисан.

Ҳар бир ЖН учун фаннинг календар тематик режасидан келиб чиқкан ҳолда 35-40 гача савол тузиб (илова 1,2) талаба амалий дарсларда ЖН учун тузилган саволлар ҳажмида ўзлари бажарган ишларини ҳимоя қилиб, мазкур йўналишда Биотехнология фани 1 – семестрда 139 соат (27 та дарс) ўтилишидан келиб чиқкан ҳолда 1 - ЖН 8 ва 14 - дарсларда 9 баллгacha жами 18 баллгacha баҳолансин. ЖНларни жами баллар йиғиндиси 4- бандда белгиланган муддатларда академик гурух журналида қайд этилсан.

### **ЖН – 1 учун максимал балл – 18 балл**

- |                                       |          |         |
|---------------------------------------|----------|---------|
| 1-Топшириқ (1-2 - амалий машғулотлар) | – 3 балл | 2-дарс  |
| 2-Топшириқ (3-4 - амалий машғулотлар) | – 3 балл | 4-дарс  |
| 3-Топшириқ (5-6 - амалий машғулотлар) | – 3 балл | 6-дарс  |
| 4-Топшириқ (7-8 - амалий машғулотлар) | – 2 балл | 8-дарс  |
| 5-Топшириқ(9-10- амалий машғулотлар)  | – 2 балл | 10-дарс |
| 6-Топшириқ(11-12- амалий машғулотлар) | – 2 балл | 12-дарс |
| 7-Топшириқ(13-14 амалий машғулотлар)  | – 3 балл | 14-дарс |
- амалий машғулотда қатнашиб, унинг топшириқларни тўла, сифатли бажарган ва саволларга тўлиқ жавоб берган талабага 2-3-балл.
  - амалий машғулотда қатнашиб, унинг топшириқларини бажарилиши ўрта даражада саволларга жавоб бермаган талабага 1-2-балл.
  - амалий машғулотда қатнашиб, унинг топшириқларини бажарилиши талаб даражасида эмас ва саволларга жавоб берилиши суст бўлган талабага 1 балл
  - амалий машғулотларда тўлиқ қатнашмаган топшириғи чала ва саволларга жавоб бермаган талабаларга 0,5 -балл.

### **ЖН – 2 учун максимал балл –18 балл**

- |  |          |         |
|--|----------|---------|
| 8-Топшириқ (15-16 - амалий машғулотлар)  | – 3 балл | 16-дарс |
| 9-Топшириқ (17-18 - амалий машғулотлар)  | – 3 балл | 18-дарс |
| 10-Топшириқ (19-20 - амалий машғулотлар) | – 3 балл | 20-дарс |
| 11-Топшириқ (21-22 - амалий машғулотлар) | – 3 балл | 22-дарс |
| 12-Топшириқ (23-25 - амалий машғулотлар) | – 3 балл | 25-дарс |
| 13-Топшириқ (26-27 - амалий машғулотлар) | – 3 балл | 27-дарс |
- амалий машғулотда қатнашиб, унинг топшириқларни тўла, сифатли бажарган ва саволларга тўлиқ жавоб берган талабага 3-4-балл.
  - амалий машғулотда қатнашиб, унинг топшириқларини бажарилиши ўрта

даражада саволларга жавоб берган талабага 2-3-балл.

- амалий машғулотда қатнашиб, унинг топшириқларини бажарилиши талаб даражасида эмас ва саволларга жавоб берилиши суст бўлган талабага 1-2 балл
- амалий машғулотларда тўлиқ қатнашмаган топшириғи чала ва саволларга жавоб бермаган талабаларга 0-балл.

**(ОН – 1) максимал балл –17.** Оралиқ назорат – 1 (ОН-1) тест шаклида ўтказилади. Жами тест саволлар сони 60 тани ташкил этади.

Хар бир тест вариантида 20 та савол берилсин ва тест саволининг ҳар бир тўғри жавоби 1 баллик тизимида баҳолансин.

**(ОН – 2) максимал балл – 17.** Оралиқ назорат – 2 (ОН-2) Талаба мустақил ишини бажариш ва топшириш (Мустақил ишининг реферат шакли бўйича) бўйича баҳоланади.

Рефератда мавзу тўлиқ очилган, тўғри ҳулоса чиқарилган ва ижодий фикрлари бўлса, қўшимча адабиёт ва интернет маълумотларидан фойдаланилган бўлса – 5 балл.

Мавзу моҳияти очилган, фақат ҳулосаси бор, қўшимча адабиёт ва интернет маълумотларидан фойдаланилган бўлса – 4 балл.

Мавзу моҳияти ёритилган, фақат ҳулосаси бор, қўшимча адабиёт маълумотларидан фойдаланилган бўлса – 3 балл.

Мавзу моҳияти очилган, фақат ҳулосаси бор бўлса – 2 балл.

Мавзу моҳияти ёритилган, аммо айrim камчиликлари бор бўлса – 1 балл .

Талабага мустақил иш мавзуси бўйича 5 та савол берилади ва ҳар бир тўғри жавоб 1 балл баллик тизимда баҳолансин.

Мустақил таълимга илмий мақола, маъруза ва тезислар тайёрлаш, макет, модель ва техник асарлар устида ишлаш фан хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда бошқа шаклдаги вазифалар ҳам топшириш мумкин.

- Фан бўйича ЖН- ва ОН назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55% саралаш бал хисобланиб, ушбу фоиздан кам тўплаган талаба якуний назоратга киритilmайдi.
- ЯН семестрнинг охирги 2 хафтаси мобайнида ўтказилади. Талабанинг саралаш балл (55 балл)дан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасида қайд этилмайдi.
- ЖН ва ОН назоратларда саралаш баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун эса якуний назоратгача бўлган муддат берилади.
- Талабанинг семестрда ЖН ва ОН турлари бўйича тўплаган баллари ушбу назорат турлари умумий баллнинг 55 фоизидан кам бўлса ёки семестр якуний жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари бўйича тўплаган баллари йигиндиси 55 баллдан кам бўлса, у академик қарздор деб ҳисобланади.
- Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан уч (3) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

- Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хulosасини билдиради.
- Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосда белгиланган муддатларда ўтказилиши хамда расмийлаштириши факультет декани, кафедра мудири, ўқув-услубий бошқарма хамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

## **Якуний назоратда “Ёзма иш”ларни баҳолаш мезони**

Аттестатция ҳафтасида ЯН ёзма иш шаклида деканат томонидан тузилган рейтинг назорат жадвалларига асосан ўтказилади. Бунинг учун фаннинг календарь тематик режасига мувофиқ фан ўтилаётган давраси учун ЯНга тузилган саволлар туркуми (120 савол). Булардан ҳар хил алмаштиришлар ёрдамида тузилган З саволли ёзма иш варианти тасдиқлансан. Ҳар бир савол жавоби 10 баллгача баҳолансин.

Якуний назорат “Ёзма иш” шаклида амалга оширилганда, синов кўп вариантли усулда ўтказилади. Ҳар бир вариант З та назарий савол ва топшириқдан иборат. Назарий саволлар фан бўйича таянч сўз ва иборалар асосида тузилган бўлиб, фаннинг барча мавзуларини ўз ичига қамраб олган.

Ҳар бир назарий саволга ёзилган жавоблар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 0-10 балл оралиғида баҳоланади. Талаба максимал 30 балл тўплаши мумкин.

Агар савол моҳияти тўлиқ очилган бўлиб, талабанинг нуқтаи назари баён қилинган бўлса -9-10 балл, савол моҳияти тўлиқ очилган, асосий факторлар тўғри баён бўлса -8-9 балл, саволга жавоб берилган бўлиб, камчиликлари бўлса -7-8 балл, берилган савол умумий жавоб келтирилиб, жиддий камчиликлари бўлса -3-4 балл, жавоб саволга мос бўлмаса 1-2 балл, саволга жавоб умуман берилмаган тақдирда 0 балл берилади.

Ёзма синов бўйича умумий ўзлаштириш кўрсаткичини аниқлаш учун вариантда берилган саволларнинг ҳар бири учун ёзилган жавобларга қўйилган ўзлаштириш баллари қўшилади ва йиғинди талабанинг якуний назорат бўйича ўзлаштириш бали ҳисобланади.

Ян тест кўришда ўтказилганда фан бўйича 120 ва ундан ортиқ савол тузилади ҳар бир вариантда 30 тадан савол киритилади. Ҳар бир саволга 1 баллдан белгиланади.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар руйхати**

### **Асосий адабиётлар:**

1. К.Насриддинов, А.Мамадалиев. Биотехнология. – Хаёт. А.: 2003. -233 б
2. Н.И. Коростелева, Т.В. Громова, И.Г. Жукова. Биотехнология. Барнаул. АГАУ.: 2006 – 128 б.

## **Қўшимча адабиётлар**

1. Г.Бутенко, М. В Гусев. «Клеточная инженерия» Биотехнология З книге. – Москва:, «Высшая школа» 1987 г.
2. Р.Г.Бутенко, «Биология Культивированных клеток и биотехнология растений» – Москва «Наука» 1991 г.
3. И.В.Березин и др. «Инженерная энзимология» Биотехнология 8 книге. – Москва «Высшая школа» 1987 г.
4. С.Г.Вегманов, «Введение в молекулярную генетику» – Москва «Высшая школа» 1983 г.
5. Қ. К. Давранов «Қишлоқ хўжалик биотехнологияси». Амалий машғулотлар учун Услубий қўлланма – Тошкент 2001 й.
6. Альдер Салер, «Биотехнология свершения и надежды» – Москва «Мир» 1978г.

## **Интернет сай tlari**

1. www.ziyo.net
2. <http://www.referat..ru>